



Ислом Нури

«Сафарнинг одоблари ва суннатлари» : «Агар уч киши сафарда бўлса, ичларидан биттасини бошлиқ қилиб олсинлар», дедилар.

Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Агар уч киши сафарда бўлса, ичларидан биттасини бошлиқ қилиб олсинлар», дедилар.

Шарҳ:

Сафарнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўргатган ўзига хос одоб ва суннатлари бор. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам пайшанба куни сафар қилишни яхши кўрар эдилар ва ёлғиз сафарга чиқишдан қайтариб, сафарга ҳамроҳ билан чиқишга буюрганлар. Агар жамоат бўлиб сафарга чиқилса ихтилофлардан узоқ бўлиш ва ҳаммининг гапи бир жойдан чиқиши учун ўзларига ораларидан бир кишини бошлиқ қилиб олишга буюрар эдилар. Юқоридаги «Ёлғиз мусофир битта шайтон, икки мусофир икки шайтон бўлади.» ҳақида ҳадис шарҳловчилар турли фикрларни билдирганлар, жумладан “сафарга учдан кам одам чиқишидан қайтарилди, қайтариқни қилган одам шайтонга итоат қилган бўлади. Ким унга итоат қилса гўёки у ҳам шайтондир. Баъзи ривоятларда шайтон бир ёки икки кишига бемалол ҳамла қила олади улар уч киши бўлиб қолишса бундай қила олмайди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Сафарга пайшанба куни чиқиш мустаҳаб.
2. Ёлғиз сафар қилишдан қайтарилган.
3. Сафарда жамоат ичидан бир кишини бошлиқ қилишга буюрилган.